Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-йил чиқиши.

№ 9 (5358).

14 ЯНВАРЬ СЕШАНБА

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

„СОЮЗ-17“ КЕМАСИНИНГ ЭКИПАЖИ „САЛЮТ-4“ ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ ИЧИДА

ТАСС АХБОРОТИ

1975 йил 12 январда «Союз-17» транспорт кемаси «Салют-4» орбитал илмий станцияси билан туташтирилди. Космонавтлар Губарев ва Гречко ўртоқлар станция ичига кўчиб ўтгач ер атрофи космик фазосида учувчи бошқараётган «Салют-4» илмий станцияси ишлай бошлади.

Космик аппаратларни туташтириш процесси икки босқичда ўтказилди. Олисдан яқинлашиш участкасида «Союз-17» транспорт кемаси бортдаги воситалар ёрдами билан автомат тарзда бошқарилди. 100 метр масофадан кемани станцияга яқинлаштириш ва туташтириш ишларни экипажнинг ўзи бажарди. Туташтиришдан сўнг космонавтлар станциянинг бортидаги системаларни текшириб чиқдилар ички туйнукни очдилар ва станция ҳонасига ўтдилар.

Учувчи бошқарадиган «Салют-4» илмий станцияси экипажининг иш программасида:

— космик фазодаги физик процесслар ва ҳодисаларни тадқиқ этиш;

— халқ хўжалиги манфаатларини кўзловчи маълумотлар олиш учун ер юзидаги геологик-морфологик объектларни, атмосферада ҳосил бўлувчи нарсалар ва ҳодисаларни кузатиш;

— медицинавий-биологик тадқиқотлар ўтказиш;

— станциянинг, борт системалари ва аппаратларининг такомиллаштирилган конструкцияларини синаб кўриш кўзда тутилади.

Губарев ва Гречко ўртоқлар орбитада маневрлар бажаргач ва аппаратларни туташтиргач, ўзларини яхши ҳис қилаяпти-лар, бортдаги системалар нормал ишлаб турибди.

«Салют-4» орбитал станциясининг экипажи белгиланган программани бажаришга киришди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети:

«1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун, саноат, қурилиш, транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»;

«1975 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш ҳамда тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» қарорлар қабул қилдилар.

Саноат, қишлоқ хўжалиги қурилиш, транспорт корхоналари халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш 1975 йилда давом эттирилади, голибларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 58 та кўчма Қизил байроғи (дипломлари билан), шу жумладан иттифоқдош республикалар учун 8 та, автоном республикалар, ўлкалар ва областлар учун 50 та кўчма Қизил байроқ топширилади.

Корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, колхозлар, совхозлар, қурилишлар, илмий тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг коллективларини мукофотлаш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Тўққизинчи беш йилликдаги шавкатли меҳнати учун» эсдалик нишони таъсис этилди. Эсдалик нишони билан тўққизинчи беш йиллик планни бажаришда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, сифатни яхшилашда энг юксак кўрсаткичларга эришган ҳамда 1975 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақа якунлари бўйича КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларига сазовор бўлган коллективлар мукофотланади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик нишони билан мукофотланган коллективлар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади.

Бугун «1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги,

«1975 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш ҳамда тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун қишлоқ хўжалиги ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинади.

1975 ЙИЛ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ВА ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШ УЧУН САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Совет халқи мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш юзасидан КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан программани амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1974 йилда меҳнатда янги муваффақиятларга эришдилар. Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда, мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда, совет халқининг моддий фаровонлигини яхшилашда катта қадам қўйилди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1975 йилга мўлжалланган ва КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми маъқуллаган ҳамда СССР Олий Советининг сессияси тасдиқлаган давлат плани халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи, ҳар бир меҳнат коллективи учун конкрет иш программасини белгилаб беради.

Илғор ишчилар, бригадалар, участкалар, цехлар, корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари КПСС Марказий Комитети пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили бўлган 1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар ва муқобил планлар қабул қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ҳаракатларини юксак баҳолаб ва уларнинг ташаббуси ҳамда активлигини янада ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб, қарор қиладилар:

иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, министрликларнинг ва идоралар, Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, хўжалик раҳбарлари **1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ва бошқа тармоқлар ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини** кенг ривожлантириш мақсадида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кўчайтиришлари лозим.

Аввалги йиллардагидек бу йил ҳам социалистик мусобақа **кам чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот берайлик** деган шиор остида ўтиши зарур.

Мусобақадошларнинг куч-ғайратини ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, юксак сифат кўрсаткичларига эришиш учун курашга сафарбар қилиш керак. Шу мақсадда:

ҳар бир корхонанинг белгиланган номенклатура ва ассортиментда планларни, кооперациялашган маҳсулот етказиб бериш планларини ва шартнома мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришига:

ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг сифатини жиддий равишда яхшилашга, шу буюмларнинг техникавий даражасини оширишга. Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга:

илғор техника ва технологияни жорий этиш, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, иш вақтидан рационал фойдаланиш негизида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг юксак суръатларига:

ишлаб чиқариш резервларидан максимал фойдаланишга, хом ашё, материаллар, ёқилги, электр энергияни тежашга, нобудгарчиликни, чиқиндиларни ва унумсиз ҳаражатларни анча қисқартиришга ва тугатишга.

(Давоми иккинчи бетда).

1975 ЙИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ ҲАМДА ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқларнинг барча меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг қарорларини, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан съезд ишлаб чиққан комплекс программани амалга ошириш учун ғоят баланд руҳ билан курашмоқдалар.

Кўпгина республикалар, ўлка, областлар, колхоз ва совхозлар 1974 йилдаги мураккаб об-ҳаво шароитида дон, пахта ва бошқа бир қанча экинлардан яхши ҳосил етиштириб олдилар, гўшт, сут, тухум етиштириш кўпайди, давлатга чорвачилик маҳсулотларини сотиш плани ошириб бажарилди.

Социалистик мусобақанинг кенг авж олдирилганлиги, қишлоқ меҳнаткашларининг маҳорати ўсганлиги, уларнинг ишга ижодий муносабати, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг собитқадам ташкилотчилик ва сиёсий иши бу натижаларга эришишда катта роль ўйнади.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1975 йилга мўлжалланган ва КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми маъқуллаган ҳамда СССР Олий Советининг сессияси тасдиқлаган давлат планида масъулиятли вазифалар қўйилди. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш колхозчилардан, совхозларнинг ишчиларидан қишлоқ хўжалик мутахассисларидан зўр ғайрат билан меҳнат қилишни, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида техникадан ва бошқа моддий ресурслардан самаралироқ фойдаланишни, ғоят сифатли иш олиб боришни талаб этади.

Колхозлар ва совхозларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг кўп коллективлари ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан беш йилликнинг якунловчи йилида барча резервлардан яхшироқ фойдаланиш ва дон, картошка, сабзавот, ковун-тарвуз, пахта, зигир, қанд лавлаги, мойли экинлар, мева, узум, чой баргини янада кўпроқ йиғиштириб олиш учун, сут, гўшт ва деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун, 1975 йил планини ва умуман тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш ташаббуси билан майдонга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети колхозчилар, ишчилар, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг, қишлоқдаги коммунистлар, комсомоллар ва барча ходимларнинг ижодий активлигини янада ривожлантиришга катта аҳамият бериб, қарор қиладилар:

Беш йилликнинг якунловчи йилида оширилган мажбуриятларни, муқобил планларни қабул қилган ва 1975 йилда деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун, беш йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдиришни таклиф этган колхозлар, совхозлар, бўлимлар, бригадалар, фермалар коллективларининг, илғор ишчилар ва колхозчиларнинг ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлоқлардаги барча меҳнаткашларни мусобақадошлар сафига жалб этиш соҳасидаги ташкилотчилик иши ҳамда сиёсий ишни юксак даражага кўтарсинлар ва уларнинг куч-ғайратларини колхоз ҳамда совхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтиришга, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан КПСС XXIV съезди томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга сафарбар қилсинлар.

Ҳар бир колхоз, совхоз, ҳар бир бригада, ферма, звенонинг, совхоз ва колхозлардаги ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган план ва мажбуриятларни муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажариш, маҳсулотнинг сифатини бутун чоралар билан яхшилаш ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлида олиб борадиган кураши 1975 йилдаги социалистик мусобақанинг асосий мазмуни бўлиб қолиши керак.

Деҳқончилик соҳасида дон, қанд лавлаги, картошка, пахта, кунгабоқар, зигир, мева, узум, сабзавот, чой, озуқа экинлари ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга эришиш зарур. Деҳқончиликнинг юксак маданияти учун оммавий ҳаракат авж олдирилсин. Ернинг ҳар гектаридан рационал фойдаланилсин, экин майдонларининг структурасини такомиллаштириш ва дон ҳамда қанд лавлаги майдонларини кенгайтириш, далаларга солинадиган органик ўғитлар миқдорини анча кўпайтириш ва минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, илғор технология ва агротехника усулларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида тадбирлар амалга оширилсин.

Чорвачилик соҳасида мол ва паррандалар ҳамма турларининг маҳсулдорлигини ошириш ҳамда уларнинг сонини кўпайтириш таъминлансин. Фермаларда прогрессив технология кенг жорий қилинсин. Чорва молларни интенсив суратда етиштириш ва бўрдоқига боқиш уюштирилсин. Мол озуқасидан самаралироқ фойдаланишга эришилсин.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларида мусобақанинг таъсирчанлигини доим ошира борсинлар, социалистик мусобақани ташкил этишда қишлоқ хўжалик мутахассислари, инженер-техник ходимларнинг ролини кучайтирсинлар, қишлоқдаги ҳар бир меҳнатчини давлат плани ҳамда социалистик мажбуриятларни бажариш учун юксак масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялансинлар. Оммавий касбдаги кадрларни, хусусан механизаторларни тайёрлаш ҳамда қайтадан тайёрлаш иши кучайтирилсин, ёшларни тарбиялаш ва уларнинг профессионал маҳоратини оширишнинг муҳим формаларидан бири бўлган мураббийчилик кенг ривожлантирилсин.

Совет халқи бу йил Улуғ Ватан урушида қозонилган галабанинг 30 йиллигини нишонлайди, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети қишлоқнинг барча меҳнаткашларини ана шу тарихий санани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш йўлидаги курашда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлашга даъват этадилар.

(Давоми иккинчи бетда).

«СОЮЗ-17» КЕМАСИНИНГ КОМАНДИРИ ПОДПОЛКОВНИК АЛЕКСЕЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ ГУБАРЕВ

Алексей Александрович Губарев 1931 йилда Куйбишев область, Борский районининг Гвардейци қишлоғида туғилди.

У 1950 йилдан буён Совет Армияси сафида. А. А. Губарев ҳарбий денгиз авиация билим юртини тамомлаб чиққанидан кейин Совет Армиясининг авиация қисмларида хизмат қилди. У 1957 йилда Қизил Байроқ орденли ҳарбий ҳаво академиясига (ҳозирги Ю. А. Гагарин номли академияга) кирди, академияни тамомлаб чиққанидан кейин авиация қисмларида хизмат қилишни давом эттирди. Авиаполк эскадрильясининг командири бўлди, «1-класс ҳарбий учувчи» квалификациясини олди.

А. А. Губарев 1963 йилдан буён космонавтлар сафида. У учувчи бошқарадиган турли космик аппаратларда тўла тайёргарлик курсини ўтди, уларнинг системаларини ва борт аппаратларини чуқур ўрганди.

А. А. Губарев — 1957 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Космонавтнинг рафиқаси Надежда Алексеевна Юлдузкентда ишлайди.

Губаревларнинг ўғли Владимир Москва экономика-статистика институтининг студенти, ўн тўрт яшар қизи Ольга мактабда ўқияпти.

«СОЮЗ-17» КЕМАСИНИНГ БОРТ ИНЖЕНЕРИ ГЕОРГИЙ МИХАЙЛОВИЧ ГРЕЧКО

Георгий Михайлович Гречко 1931 йилда Ленинградда туғилди. У 1955 йилда Ленинграддаги механика институтини аъло баҳолар билан тамомлади ва конструкторлик бюросида ишлай бошлади. Г. М. Гречко қобилиятли ва ташаббускор мутахассис эканлигини кўрсатиб, 1967 йилда техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун муваффақиятли суратда диссертация ёқлади.

Г. М. Гречко 1966 йилдан буён космонавтлар отрядида. Юксак назарий тайёргарлиги ва инженерлик тажрибаси учуч учувчи бошқарадиган космик аппаратларнинг турли хилларида ишлаш учун махсус малакани аъло даражада эгаллашига ёрдам берди.

Георгий Михайлович — 1960 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Космонавтнинг рафиқаси Нина Викторовна конструкторлик бюросида илмий ходим бўлиб ишлаяпти, техника фанлари кандидати.

Гречко оиласида икки ўғил — ўн олти яшар Алексей ва ўн икки яшар Михаил бор, ҳар иккиси ўқувчи.

1975 ЙИЛ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ВА ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШ УЧУН САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошы биринчи бетда).

Капитал маблағларнинг самарадорлигини янада оширишга, ишга туширилаётган объектларни фойдаланишга топширишни жадаллаштиришга, янгидан ишга тушириладиган қувватларни ўзлаштириш муддатларини қисқартиришга ва мавжуд қувватлардан яхшироқ фойдаланишга, ишлаб турган корхоналар ва цехларни реконструкция қилишни тезлаштиришга эришиш лозим.

Саноатнинг барча тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотлар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари ва сифатини яхшилашлари керак.

Социалистик мусобақани кенг авж олдириш негизида:

энергетикада — халқ хўжалигини ва аҳолини энергия билан узлуксиз таъминлаш, электр энергия ҳосил қилиш учун ёқилғи сарфлашни камайтириш, энергетика қурилмаларининг лойиҳадаги параметрларига тезроқ эришиш, электр линияларида нобудгарчиликни камайтириш;

ёқилғи саноатида — тармоқларни техникавий қайта қуроллантириш соҳасидаги ишларни анча кенгайтириш, барча турдаги ёқилғи қазиб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, ёқилғи нобудгарчилигини камайтириш, кон қудуқларини пармалашни ва кон қазишни тезлаштиришни янада ошириш, конларни тезроқ қуриш;

металлургияда — металл маҳсулотининг сифатини яхшилаш ва сортаментини кенгайтириш, прокат ва трубаларнинг энг тежамли турлари ва профилларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, технология жараёнларини янада интенсивлаштириш ва янги самарали технология жараёнларини жорий этиш, металлнинг нобуд бўлишини анча камайтириш, металлургия хом ашёсидан комплекс ва тежамли фойдаланиш, маҳсулотни истеъмолчиларнинг буюртмаларига қатъий мувофиқ тарзда етказиб бериш;

машинасозликда — фан ва техниканинг замонавий ютуқларига мос бўлган машиналар, приборлар ва асбоб-ускуналар яратишни тезлаштириш, қурилаётган объектлар учун технология ускуналарини ўз вақтида етказиб бериш янги техникани жорий этиш планларини бажариш, буюмларни ишлаган чоқда металл чиқиндиларини камайтириш, аниқ заготовкалардан, металларнинг ўрнини босувчи материаллардан кенг фойдаланиш, кўп станокка хизмат қилишни ривожлантириш, машина-ускуналар иши сменалиги коэффициентини ошириш;

химия ва нефть химияси саноатида — минерал ўғитлар, химиявий тола, шина, резина-техника буюмлари, мойлаш материаллари, бўёқлар, пластмассалар, каучук ва рўзғор химияси моллари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, технология жараёнларини интенсивлаштириш, ишлаб турган цехларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, йирик тоннажли агрегатлар ва қурилмаларни ўзлаштириш;

ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноатида — иморатбоп ёғоч, плиталар, целлюлоза, қоғоз, картон ва мебель ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ёғоч хом ашёсидан фойдаланишни яхшилаш, машиналар ва технология ускуналарининг иш самарадорлигини ошириш;

геологияда — геология-қидириш ишларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, сарфланган ҳаражатларнинг ҳар бир сўми ҳисобига минерал хом ашёнинг қидирилган запаси ўсишини кўпайтириш, фойдали қазилмаларнинг манбаларини қидириш муддатларини қисқартириш;

енгил ва озиқ-овқат саноатида — газлама, кийим-кечак, пойафзал бошқа саноат ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни аҳолининг ҳозирги талабига мувофиқ ассортиментда ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, уларнинг сифатини анча яхшилаш, хом ашё ва материаллардан рационал ва тежаб-тергаб фойдаланиш;

қурилишда — янги ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни ва маданий-маиший объектларни ўз вақтида ишга тушириш, ресурсларни ишга тушириладиган қурилишларга тўлаш, қурилиш муддатини қисқартириш ва унинг сифатини бутун чоралар билан яхшилаш, материалларни сарфлашни ва қурилиш-монтаж ишларининг қийматини камайтириш, самарали материаллар ва конструкцияларни қурилиш практикасига кенг жорий этиш, биноларнинг ва иншоотларнинг йиғмалигини ошириш, ишларни бажаришнинг прогрессив методларини қўлланиш, бригада хўжалик ҳисобини ҳамма жойда жорий этиш;

бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустриясида — заводда яхши тайёрланган янги самарали материаллар ва буюмлар, маҳаллий бинокорлик ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, саноатнинг бошқа тармоқларида қўшимча чиқариладиган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кенг фойдаланиш;

транспорт ва алоқада — транспортнинг барча турлари ишини мувофиқлаштиришни яхшилаш, юкларни тезроқ жўнатиш, локомотивлар, вагонлар, автомобиллар ва кемаларнинг бекор туриб қолишини камайтириш, норасмий юк ташишни қисқартириш, юкларни ташишда нобудгарчиликни тугатиш, контейнерлардан фойдаланган ҳолда юк ташиш операцияларини механизациялашни кенгайтириш, транспорт воситалари ҳаракатининг хавфсизлигини ошириш, юк ташиш таннархини камайтириш; транспортнинг барча турлари, почта, телефон, телеграф алоқаси, телевидение ва радио эшиттириш билан халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш;

илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларида — янги машиналар, асбоб-ускуналар ва материалларни ишлаб чиққан чоқда мамлакатдаги ва чет элдаги энг яхши нусхаларнинг техника-иқтисодий ва фойдаланиш характеристикасидан устун турадиган кўрсаткичларга эришиш, прогрессив технология жараёнларини яратиш, буюмларнинг янги турларига материал ва меҳнат сарфини камайтириш, янги техникани ишлаб чиқиш қийматини пасайтириш ва муддатларини қисқартириш самарали илмий ечимлар ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш;

таъминот ва сотиш ташкилотларида — барча корхоналар ва ташкилотларни ўзлуксиз, бир меъёрда ва комплект суратда таъминлаш, халқ хўжалигида мавжуд резервларни ҳамда хом ашё ва машина-ускуналарнинг нормативдан ташқари запасларини аниқлаш ва реализация қилиш, ишга туширилаётган объектларни ўз вақтида комплектлаш, моддий ресурслардан фойдаланиш ҳамда кооперативлашган тарзда маҳсулот етказиб бериш планларини ҳамда шартномаларда кўрсатилган мажбуриятларни бажариш устидан назоратни кучайтириш;

савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатишда — товар оборотни планини ва аҳолига маиший ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириб бажариш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, ишнинг прогрессив форма ва методларини кенг жорий этиш, шаҳарларда ва қишлоқ жойларда савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини кенгайтириш таъминлансин.

Партия, совет касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари, министрликлари ва идоралар социалистик мусобакани ташкил қилишни такомиллаштирсинлар, коллективлар, ишчилар ва хизматчилар қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришлари учун зарур шарт-шароитларни таъминласинлар.

Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг 30 йиллигини нишонлаш юзасидан зарбдор меҳнат вахтасини ўтказиш соҳасида илғор ишчилар, бригадалар, сменалар, участкаларнинг ватанпарварлик ташаббуси бутун чоралар билан ёйилсин.

План топшириқларини ҳар бир ишчига етказиш ва бу планларни бажариш учун курашни ҳисобга асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, беш кунлик топшириқларни тўрт кунда бажариш, ходимларнинг сонини кўпайтирмаган ва капитал маблағларни энг кам сарфлаган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш ҳамда шу асосда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш, сифати олий ва юқори категорияли буюмлар салмоғини ошириш, моддий ресурсларни иқтисод қилиш ҳисобига пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан шу беш йилликда орттирилган ижобий тажрибадан кенг фойдаланилсин.

Цех, смена, бригада, участкалар коллективларининг мусобақасини ривожлантиришга, турдош корхоналарнинг ҳамкорлигига, шунингдек касблар бўйича якка-якка тартибда ўтказиладиган мусобақага катта эътибор берилсин. Ҳар бир ишчи, техник, инженер, хизматчининг умумхалқ социалистик мусобақасида актив иштирок қилишига эришилсин. Илғор ишчиларнинг машина-ускуналардан, иш вақтидан энг кўп даражада фойдаланиш ва профессионал маҳоратини ўстириш асосида юксак иш кўрсаткичларига эришиш соҳасидаги тажрибаси қўллаб-қувватлансин ва рағбатлантирилсин. Инженер-техник ходимларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини такомиллаштириш ва оширишга қаратилган шахсий ижодий планларни қабул қилиш ва амалга ошириш соҳасидаги ташаббуси кенг ёйилсин. Фан ва ишлаб чиқариш ходимларининг ижодий ҳамкорлиги мустаҳкамлансин, рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракати ривожлантирилсин.

Ҳар бир соҳада, ҳар бир республика, ўлка, область, шаҳар ва районда энг яхши коллективларнинг ва ишлаб чиқаришдаги айрим илғорларнинг прогрессив методларини ўрганиш ва жорий қилиш соҳасидаги иш давом эттирилсин. Кекса ишчиларнинг илғор тажрибасини, малакасини, ишчилар синфининг меҳнат анъаналарини ёшларга ўргатишнинг энг муҳим формаларидан бири сифатида мураббийлик иши ривожлантирилсин. Илғор ишлаб чиқариш тажрибасини жорий қилиш партия ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг, инженер-техник ходимларнинг энг муҳим бурчи, деб ҳисоблансин.

1975 йилда:

етакчи касбдаги ишчиларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси давом эттирилсин ва ғолибларга министрликлар (идоралар)ва касаба союзлари Марказий Комитетининг «Тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажарганлиги учун» фахрий дипломлари ва эсдалик совғалари топширилсин;

бригада (участкалар)нинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси давом эттирилиб, ғолибларга министрликлар (идоралар) ва касаба союзлари Марказий Комитетининг «Тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажарганлиги учун» фахрий вимпеллари ҳамда эсдалик совғалари топширилсин;

комсомол ёшлар бригадаларининг Бутуниттифоқ мусобақаси давом эттирилиб, ғолибларга «Беш йилликларнинг қаҳрамонлари, меҳнат ветеранлари—энг яхши комсомол-ёшлар коллективига» кўчма Қизил байроқлари топширилсин;

корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, қурилишлар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар коллективларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси давом эттирилиб, ғолибларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 770 та кўчма Қизил байроғи ва дипломлар ҳамда пул мукофотлари топширилсин;

шаҳарлар ва шаҳар районларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси давом эттирилиб, ғолибларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 100 та кўчма Қизил байроғи диплом ва пул мукофотлари билан бирга топширилсин.

1975 йилда соҳалар бўйича илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин. Министрликларга ва касаба союзлари Марказий Комитетларига ғолибларни рағбатлантириш учун кўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотларини белгиланган тартибда таъсис этишга рухсат берилсин.

Беш йилликнинг якунловчи йилида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни мукофотлаш учун «1975 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» деган ягона Умуминттифоқ нишони таъсис этилсин.

Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган ишлаб чиқариш илғорларини «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори» нишони билан мукофотлаш давом эттирилсин ва уларга эсдалик совғаси топширилсин.

ВЦСПСнинг тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган энг яхши ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида Совет Иттифоқи бўйлаб ва чет элларга сафар қилиш учун 90 минг ва ва 23 сонли қарорлари; 1974 йил 29 ноябрдаги 932 сонли қарорида белгиланган тадбирлар ва бунинг учун маблағ ажратиш манбалари 1975 йил учун сақлаб қолинсин.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини тўплаш ва бу мусобақадаги ғолибларни белгилаш 1975 йил халқ хўжалиги плани ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш натижаларига қараб ўтказилсин ва бунда беш йиллик топшириқларининг бажарилиши ҳисобга олинсин.

Марказий ва маҳаллий газеталар, журналлар ва нашриётларнинг редакцияларига, СССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига, СССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитетига ишчилар, бригадалар, цехлар, корхоналар, қурилишлар, шаҳарлар, область ва ўлкалар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг боришини оператив суратда ёрқин ва яққол ёритиш топширилсин. Меҳнат коллективларининг ҳаётидан конкрет мисоллар келтириб, кишини аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ишчанлиги ва масъулиятини ошириш ишида, социалистик коллективизмни тарқиб топтиришда социалистик мусобақанинг роли кўрсатиб берилсин.

1975 йилда марказий ва маҳаллий газеталарда социалистик мусобақанинг борыши ва натижаларига бағишланган махсус саҳифалар чиқариш давом эттирилсин.

Корхоналар, қурилишлар, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа соҳаларининг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнат коллективларида кўргазмали агитациянинг хилма-хил воситаларидан фойдаланишлар, корхоналар олдида турган вазифаларни аниқ ва равшан шаклда баён қилиб бершлар, бу вазифаларни ҳал этиш йўллари ва воситаларини кўрсатиб бершлар. Тўққизинчи беш йиллик қаҳрамонлари — социалистик мусобақа ғолиблари галереясини таъсис этиш тавсия қилинсин.

СССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетига, снёсий адабиёт нашриётига, «Плакат» нашриётига, СССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитетига, СССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига 1975—1976 йиллар планларида, брошюралар, плакатлар нашр этиш ва ҳужжатли фильмлар чиқариш топширилсин. Буларда совет меҳнаткашларининг — тўққизинчи беш йиллик зарбдорларининг қаҳрамонона образи ва уларнинг иш тажрибаси очиб берилсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети қаҳрамон ишчилар синфи инженер-техник ходимлар, саноат, қурилиш, транспортнинг ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг барча меҳнаткашларини Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб, 1975 йилги халқ хўжалиги планининг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлайдилар, тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

1975 ЙИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ ҲАМДА ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида қуйидагиларнинг кенг иштироки таъминлансин:

Иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка, областлар, миллий округлар ва районлар — дон, қанд лавлаги, бошқа ҳамма экинларни ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда энг юксак кўрсаткичларга эришиш учун, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш юзасидан халқ хўжалиги планлари ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун;

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро корхоналар ва бошқа корхоналарнинг коллективлари — дон, пахта, қанд лавлаги, зиғир, картошка, сабзавот, мева, узум, чой барги, мойли экинлар, гўшт, сут, тухум, жун ва деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш юзасидан энг юқсак кўрсаткичларга эришиш ва ана шу маҳсулотларни давлатга сотиш юзасидан 1975 йил планини ошириб бажариш учун, қишлоқ хўжалик экиндари ҳосилдорлиги ва чорва мол ҳамда паррандалар маҳсулдорлигини ошириш, мол туёғини кўпайтириш ҳамда уларни озуқа билан таъминлаш, меҳнат унумдорлигини оширишда юксак суръатларга эришиш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун;

Бўлимлар, участкалар, бригадалар, фермалар, звенолар ва цехлар коллективлари — республикада, ўлка, областда, миллий округда ва районда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда энг яхши натижаларга эришиш учун, ишлаб чиқаришни юксалтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ҳамда сифатини яхшилаш учун;

Саноат корхоналари, қурилишлар ва ташкилотларнинг коллективлари;

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги — мелиорация қилинган ерларни ишга тушириш планларини муддатидан илгари бажариш, суғориладиган маданий экинлар экиладиган йўлларни вужудга келтириш, ернинг захини қочирадиган системаларни, суғориш системаларини ва гидроиншоотларни ремонт қилиш ҳамда фойдаланишга топириш учун, шунингдек белгиланган барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни бажариш ва мелиорация объектлари ҳамда бошқа объектлар ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилишнинг юксак сифати учун;

«Союзсельхозтехника» — машина ва ускуналарни ўз вақтида ремонт қилиш ва уларга техникавий хизмат кўрсатишни яхшилаш, чорвачилик ва паррандачилик фермаларини комплекс механизациялаш, колхоз ва совхозларни техника, минерал ўғитлар, запас қисмлар ва материаллар билан таъминлаш, юк ташиш планларини бажариш, маданий-техника тадбирлари ва бошқа иш ҳамда хизмат кўрсатишни юқори сифатли қилиб амалга ошириш ва белгиланган барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришишни таъминлаш учун;

СССР Тайёрлаш министрлиги — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва уларни сақлаш планларини бажариш, омухта ем ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини ҳамда ишлаб чиқариладиган бошқа маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш учун, белгиланган барча миқдор ва сифат кўрсаткичларини бажариш учун;

СССР Министрлар Совети ўрмон хўжалиги Давлат комитети — ўрмон хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини анча ошириш, иш сифатини ва тайёрланадиган маҳсулот сифатини яхшилаш, ўрмон фонди ерларидан рационал фойдаланиш, ўрмон бойликларини сақлаш ва кўпайтириш учун;

Илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларининг коллективлари — илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш учун ва фан ҳамда илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида қишлоқ хўжалик корхоналарига ёрдамни кучайтириш, илмий тадқиқот ишлари планларини муваффақиятли бажариш учун;

қишлоқ хўжалик касбларидаги ходимлар тракторчи-машинистлар, комбайнчилар, шофёрлар, созловчи мастерлар, сут ва гўшт чорвачилиги ходимлари, чўчқачилик ва паррандачилик фермаларининг ходимлари, чўпонларнинг бригадалари, лаваги-корлар, пахтакорлар, зиғаркорлар, картошка етиштирувчилар, сабзавоткорлар, боғбонлар, соҳибкорлар, чойкорлар ва бошқалар, шунингдек саноат корхоналари ва ташкилотлари ходимлари—энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, ишлаб чиқариш топшириқларини анча ошириб бажариш учун;

қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанларини мукофотлаш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг диплом ва пул мукофотлари билан бериладиган 972 та кўчма Қизил байроғи сақлаб қолинсин. Ана шу мукофотлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йил 7 январдаги 19 сонли қарори билан таъсис этилган.

Шу жумладан:

миллий округ ва районлар учун — 230;

колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро корхоналар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари учун, шунингдек СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги системасидаги илмий тадқиқот муассасалари учун — 686;

СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги совхозлари учун—12. СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги совхозлари учун —2;

«Союзсельхозтехника» корхоналари ва ташкилотлари учун — 12, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги корхоналари ва ташкилотлари учун — 10, СССР Тайёрлаш министрлиги корхоналари ва ташкилотлари учун—14, СССР Министрлар Совети ўрмон хўжалиги Давлат комитети корхоналари ва ташкилотлари учун — 6 кўчма Қизил байроқ берилсин.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Главнечерноземводстрой» корхоналари ва ташкилотлари коллективларини мукофотлаш учун қўшимча равишда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг диплом ҳамда пул мукофотлари билан бериладиган 3 та кўчма Қизил байроғи таъсис этилсин.

Бўлимлар, участкалар, бригадалар, звенолар ва чорвачилик фермаларининг энг яхши коллективларини, шунингдек мусобақада касблар бўйича алоҳида намуна кўрсатган ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш мақсадида министрликлар (идоралар) ва касаба союзлари Марказий Комитетларининг «Тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли бажарганлик учун» деган ўн минг та фахрий дипломи, шу жумладан ишлаб чиқариш бўлимлари учун 3,5 минг ва ишлаб чиқариш илғорлари учун 6,5 минг фахрий диплом таъсис этилсин.

Фахрий дипломлар билан мукофотланган ишлаб чиқариш бўлимларининг коллективларига ва касблар бўйича илғорларга эсдалик совғалари топширилади, деб белгилансин.

1975 йилда комсомол-ёшлар бригадаларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси давом эттирилсин ва ғолибларга Қизил байроқлар топширилсин.

Ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришган колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Бутуниттифоқ учун бир хил бўлган «1975 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» нишони билан мукофотланадилар, деб белгилансин.

Беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг илғорларини «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори» нишони билан мукофотлаш ва уларга эсдалик совғаси топшириш давом эттирилсин.

ВЦСПСнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш учун Совет Иттифоқи бўйлаб ва чет элларга саёҳат қилиш учун 15 минг та имтиёзли туристик йўлланма ажратиб бериш тўғрисидаги:

ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақада жуда катта натижаларга эришган комсомол-ёшлар коллективлари ва ёш ишчилар ҳамда колхозчилар учун Ленин комсомолининг 30 та мукофотини таъсис этиш ҳақидаги ва қишлоқлардаги энг яхши меҳнатчи ёшларни рағбатлантириш учун 10 минг та имтиёзли туристик йўлланма ажратиб бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетларининг:

Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада жуда катта натижаларга эришган ва алоҳида намуна кўрсатган ишлаб чиқариш илғорларини, бригада, бўлим, участка, ферма, звено, цех аъзоларини;

Барча асосий кўрсаткичлар бўйича катта муваффақиятларга эришган ва хўжалик фаолиятида яхши ҳамда барқарор иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларга эга бўлган, меҳнат унумдорлигини оширишда, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва жамоат чорвачилиги маҳсулдорлигини ўстиришда, техника ва ускуналардан фойдаланишда, халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда катта-катта натижаларни қўлга киритган энг яхши колхоз ва совхозларни ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларни тўқкизинчи беш йилликдаги иш якунларига қараб ҳукумат мукофотларига тақдим этишлари учун рухсат берилсин.

Марказий ва маҳаллий газеталар, журналлар ва нашриётларнинг редакциялари, СССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети, СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси қишлоқ хўжалиги ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг боришини кенг ва оператив суратда ёритишни таъминласинлар, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига касаба союз ва комсомол органлари билан биргаликда:

Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўтказиладиган социалисттик мусобақада энг катта натижаларга эришган ишлаб чиқаришнинг алоҳида намуна кўрсатган илғорларини бригада (участка)ларнинг аъзоларини;

Беш йиллик планни муддатидан илгари бажарган ва ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш, янги техникани яратиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашда улкан муваффақиятларга эришган ҳамда энг муҳим объектларнинг ишга туширилишини ва янги ишлаб чиқариш қувватларининг ўзлаштирилишини таъминлаган энг яхши корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларни ҳукумат мукофотларига тақдим этишларига рухсат берилсин.

Тармоқлар ичидаги корхоналар, қурилишлар ва ташкилотлар социалистик мусобақасининг квартал (ярим йиллик) якунларини тўплаш ва уларга СССР министрликлари (идоралари) ва касаба союз Марказий Комитетларининг кўчма Қизил байроқларини ҳамда пул мукофотларини топшириш тартиби;

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини тўплаш тартиби, ғолибларни рағбатлантириш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йил 7 январдаги 18 ва 23 сонли қарорлари; 1974 йил 29 ноябрдаги 932 сонли қарорида белгиланган тадбирлар ва бунинг учун маблағ ажратиш манбалари 1975 йил учун сақлаб қолинсин.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини тўплаш ва бу мусобақадаги ғолибларни белгилаш 1975 йил халқ хўжалиги плани ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш натижаларига қараб ўтказилсин ва бунда беш йиллик топшириқларининг бажарилиши ҳисобга олинсин.

Марказий ва маҳаллий газеталар, журналлар ва нашриётларнинг редакцияларига, СССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига, СССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитетига ишчилар, бригадалар, цехлар, корхоналар, қурилишлар, шаҳарлар, область ва ўлкалар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг боришини оператив суратда ёрқин ва яққол ёритиш топширилсин. Меҳнат коллективларининг ҳаётидан конкрет мисоллар келтириб, кишини аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ишчанлиги ва масъулиятини ошириш ишида, социалистик коллективизмни тарқиб топтиришда социалистик мусобақанинг роли кўрсатиб берилсин.

1975 йилда марказий ва маҳаллий газеталарда социалистик мусобақанинг борыши ва натижаларига бағишланган махсус саҳифалар чиқариш давом эттирилсин.

Корхоналар, қурилишлар, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа соҳаларининг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнат коллективларида кўргазмали агитациянинг хилма-хил воситаларидан фойдаланишлар, корхоналар олдида турган вазифаларни аниқ ва равшан шаклда баён қилиб бершлар, бу вазифаларни ҳал этиш йўллари ва воситаларини кўрсатиб бершлар. Тўққизинчи беш йиллик қаҳрамонлари — социалистик мусобақа ғолиблари галереясини таъсис этиш тавсия қилинсин.

СССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетига, снёсий адабиёт нашриётига, «Плакат» нашриётига, СССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитетига, СССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига 1975—1976 йиллар планларида, брошюралар, плакатлар нашр этиш ва ҳужжатли фильмлар чиқариш топширилсин. Буларда совет меҳнаткашларининг — тўққизинчи беш йиллик зарбдорларининг қаҳрамонона образи ва уларнинг иш тажрибаси очиб берилсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети қаҳрамон ишчилар синфи инженер-техник ходимлар, саноат, қурилиш, транспортнинг ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг барча меҳнаткашларини Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб, 1975 йилги халқ хўжалиги планининг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлайдилар, тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети қишлоқ хўжалик ходимлари социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида дон, пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, мева, узум, чой, гўшт, сут, тухум ва деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни янада кўпайтиришга эришадилар. 1975 йил топшириқларини ва умуман беш йиллик планни муваффақиятли бажариш учун ҳамма чораларни кўрадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИГА ХАТ

Наталья Денисовна Брежневанинг вафот этганлиги муносабати билан совет кишиларидан, партия, давлат ва жамоат ташкилотларидан, чет мамлакатлар қардош партиялари, давлат арбоблари ва айрим гражданларидан, дўстлар ва ҳамюртлардан олинган таъзияномалардан ғоят таъсирландик.

Наталья Денисовнанинг порлоқ хотирасини ҳурматлаб, оғир жудолик қайғуси ва мусибатида биз билан ҳамдард бўлганларнинг ҳаммасига самимий ташаккур билдирамиз.

БРЕЖНЕВлар оиласи.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзининг 50 йиллиги тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда уқтириб ўтиладики, республика меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигини ҳамма жойда юксак сиёсий рух билан ва меҳнат ғайрати жуш ўрган вазиятда, катта интернационал байрам ҳамда халқлар ленинча дўстлиги тантанаси сифатида нишонладилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табрикномасидан, Ўзбекистон ССР-нинг Октябрь революцияси ордени билан мукофотланишидан руҳланган республика комсомоллари, ёшлари 1925 йил 5 апрелда тузилган Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзининг шонли 50 йиллигини кутиб олмоқда.

Республика комсомолининг олтин юбилейи — Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида шонли воқеа, республика комсомоллари, ёшларининг, барча меҳнаткашларининг катта байрамидир.

Ўзбекистон Комсомолининг ярим асрда босиб ўтган йўли республиканинг, унинг Коммунистик партиясининг тарихи билан, халқининг социализм ва коммунизм ғалабаси учун олиб борган кураши билан чамбарчас боғлангандир.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш йилларида минг-минглаб ишчи ва деҳқон ёшлари коммунистик партиянинг даъватига жавобан, қўлларига қурол олиб социалистик ватанни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Қаҳрамон комсомоллар — Абдул Вохид Вайсов, Абдуллахон Бобохонов, Абдулла Набиев, Петр Тузов, халқ бахт-саодати учун курашган бошқа кўпгина жасур ёшларнинг номини тарих ардоқлаб асрамоқда.

Республика халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар юз минглаб ёш ватанпарварларнинг номи билан боғлангандир. Қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартиришга, камбағал деҳқонларни ва ўрта қолларни қоллектив хўжаликларга жалб этишга комсомол бебаҳо ҳисса қўшди.

Ўзбекистон комсомоли социалистик қурилиш жараёнида ўсди ва чиниқди. Миллионмиллион меҳнаткашлар, партия ва совет ходимлари, кўплаб хўжалик раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари комсомол ташкилотларида гражданлик камолоти мактабини ўтдилар. Комсомолда тарбияланган минг-минглаб ёшлар КПСС сафига қабул қилиндилар.

Комсомоллар Улуғ Ватан урушн йилларида юксак маънавий фазилат, социалистик ватанга, жонажон Коммунистик партияга чексиз садоқат намуналини кўрсатдилар. Ўзбекистон комсомоли ватанни мудофаа қилиш учун 220 минг кишини ёки бутун ташкилот аъзоларининг 65 процентдан кўпроғини сафарбар этди.

Оташин йилларнинг қаҳрамонлиги қундалик меҳнатда ғайрат-шижоат билан алмаштирилди. Республика комсомоли янги саноат марказлари — Олмалиқ, Бекобод, Ангрен, Навоий шаҳарларини барпо этишда актив қатнашди. Комсомолнинг йўлланмаси билан минг-минглаб йигит ва қизлар Фарҳод гидроэлектростанцияси, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Бухоро—Самарқанд—Тошкент, Бухоро—Урал ва Ўрта Осиё-Марказ магистрал газопроводи қурилишларига юборилди.

Ҳозирги вақтда республика комсомол ташкилоти ўз сафларида 1,5 миллиондан зиёд йигит ва қизни бирлаштирган. Ҳар бир корхона, қурилишда, ҳар бар колхоз, совхозда, ўқув юртн ва илмий марказда, коммунистик ёшларнинг уюшган отряди ишлаб турибди. 110 мингга яқин йигит ва қиз коммунистик меҳнат зарбдори фахрий унвонига сазовор бўлди. «Ёшлар беш йилликда зарбдор меҳнат қилайлик, маҳорат ва ташаббус кўрсатайлик» деган шиор остидаги ватанпарварлик ҳаракатида қатнашиб, олти мингдан кўпроқ ишчи ёшлар тўқкизинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли тугалладилар.

Комсомол энг муҳим халқ хўжалик қурилишларини оталиққа олган.

Комсомол ташкилотлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун курашда фаол қатнашмоқдалар. Мирзачўл, Қарши ва Сурхон-Шеробод даштларидаги қурик ва бўз ерларнинг ўзлаштирилганлиги, Ўзбекистон комсомолининг меҳнат йилномасига ёзилган ёркин саҳифадир. Қўрик ер — меҳнат қаҳрамонлигининг рамзи, ёшларни интернационализм руҳида тарбиялаш, гоявий ва сиёсий жиҳатдан чиниқтиришнинг ажойиб мактаби бўлиб қолди.

Республика комсомсли пахтани машинада теришни оталиққа олган. Ўтган йили 5 миллион 330 минг тонна пахтани етиштириш ва териб олишдан иборат Умумхалқ ишига комсомол катта ҳисса қўшди. Икки мингдан кўпроқ комсомол-ёшлар коллективлари маккажўхорикорликни юксалтириш учун кураш ҳаракатида қатнашмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика маккажўхорикор ёшлар слёти иштирокчиларига йўллаган табрикномаси бу йўлдаги курашга қудратли медад берди.

Ёшлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда доимо актив қатнашмоқдалар. Советларнинг 27 мингдан ортиқ депутатлари комсомол ёшидаги қишлардир. Ўн минглаб йигит ва қизлар комсомол, касаба союз ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларида ишламоқдалар.

Янгиариқ ва Ильич район комсомол ташкилотларининг меҳнат Қизил байроқ орденлари билан, Чирчиқ шаҳар комсомол ташкилотининг «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланганлиги меҳнатда ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда эришилган катта муваффақиятлар эътироф этилганлигининг далилидир.

Партия, унинг ленинчи Марказий Комитети ёшларни тарбиялаш масалаларига ҳамиша катта аҳамият бериб келди ва аҳамият бермоқда. «ВЛКСМнинг 50 йиллиги ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги вазифалар тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг қарори, КПСС Марказий Комитетининг комсомол XVII съездига йўллаган табрикномаси ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу съездда сўзлаган нутқи ёшлар ўртасида олиб бориладиган ҳамма ишларни яхшилашда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон комсомоли ҳамиша Ўзбекистон Компартиясининг актив ёрдамчиси ва жанговар резерви бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзининг XX съезди йигит ва қизларнинг Ленин ишига, Коммунистик партияга садоқатини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди. Серқуёш республикамиз комсомоллари ўзининг шонли юбилейини сиёсий жиҳатдан етук, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган ҳолда, Коммунистик партиянинг ҳар бир топшириғини бажаришга тайёр туриб кутиб олмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзининг 50 йиллиги байрамини республика комсомоллари ва ёшларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагига янада жипслашуви, В. И. Ленин васиятларига чексиз садоқат, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун, тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун, коммунизм қуриш учун курашда совет кишилари барча авлодларининг бирлиги ва давомийлиги белгиси остида 1975 йил май ойида ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг таклифини қабул қилди.

Область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, Туркистон ҳарбий округининг сиёсий бошқармасига Ўзбекистон ЛКСМ 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда комсомол ташкилотларига амалий ёрдам бериш, йигит ва қизларнинг республика комсомоли юбилейини корхоналарда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда зарбдор меҳнат қилиш, аъло ва яхши ўқиш билан, ижтимоий-сиёсий активликни кучайтириш билан нишонлаш йўлидаги интилишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш топширилди.

Ёшлар ўртасида олиб бориладиган барча тарбиявий ишлар, дейилади яна қарорда, КПСС XXIV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг ВЛКСМ XVII съездига йўлланган табрикномасида ва Ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда сўзлаган нутқида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришга кўмаклашуви, жанговар ҳужумкор руҳда бўлиши, ёшларнинг ўсиб бораётган умумий таълим, сиёсий ва маданий даражасига мувофиқ бўлиши, турли категориядаги ишчи, колхозчи ёшлар, ўқувчилар, студентларнинг, ёш зиёлилар ва хизматчиларнинг манфаатлари ҳамда талаб эҳтиёжларини ҳисобга олиши керак. Партия ташкилотларининг ҳозирги шароитда йигит ва қизларни тарбиялаш масалалари билан кампания тарзида эмас, балки чуқур ўйлаб ва доимий шуғулланишлари, эришган муваффақиятларга ҳам, шуниндек ҳал қилинмаган проблемаларга ҳам уларнинг тўғри баҳо беришга, сўз билан ишнинг бирлиги қарор топишига кўмаклашишлари айниқса муҳимдир. Энг яхши кадрларни, чуқур билимларга ва турмуш тажрибасига эга бўлган кишиларни ёшлар ўртасида ишлашга жалб этиш партия ташкилотларининг бурчидир.

Қарорда ёшларнинг марксча-ленинча назария асосларини, КПСС ҳужжатларини яхши ўрганишига эришиш, комсомол сиёсий ўқуви системасини тинмай такомиллаштириш, унга партия билан комсомолнинг ёшлар ўртасида олиб борадиган идеология ишининг энг муҳим воситаси деб қараш зарурлиги уқтириб ўтилади. Партия комитетлари комсомол сиёсий маорифи системаси учун пропагандистлар танлаш ва тайёрлашни анча яхшилашлари, уларнинг мунтазам суратда назарий ва методик ўқишини йўлга қўйишлари лозим.

Ёшлар ўртасида идеология ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан партиявий йўналишга боғлиқдир. Ҳар бир коммунист партия, хўжалик раҳбари комсомоллар ва ёшлар билан мунтазам равишда учрашиб туриши, уларга КПСС ва Совет ҳукуматининг сиёсатини тушунтириши, уларни қизиқтирувчи саволларга далиллар келтириб ва ҳаққоний жавоб бериши лозим.

Оммавий информациянинг барча воситаларидан — матбуот, телевидение ва радиодан ёшларни тарбиялаш соҳасида яхши ва муайян мақсадни кўзлаб фойдаланиш керак, республика, область, шаҳар, район газеталарининг, ижтимоий-сиёсий ва адабий бадиий журналларнинг редакциялари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшитириш Давлат комитети, Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги байрамига қандай тайёргарлик кўрилаётганлигини, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш проблемаларини, комсомол ташкилотларининг ишларини, комсомолга партиявий раҳбарлик практикасини кенг ва мунтазам ёритишлари лозим.

Партия ва комсомол комитетлари комсомол ва ёшларни коммунистик партия ва совет халқининг революцион, жанговар, меҳнат ва интернационал анъаналари руҳида тарбиялаш ишларини кучайтиришлари керак. Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг 30 йиллигини муносиб кутиб олиш, шонли юбилейни беш йилликнинг меҳнат фронтида жуда катта ғалабалар билан нишонлаш — комсомол комитетларининг жанговар вазифаси, ҳар бир комсомолнинг, ҳар бир йигит ва қизнинг муқаддас бурчидир.

Партия комитетлари ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, дейилади яна қарорда, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника революцияси муваффақиятларини жорий этиш соҳасидаги ишларга комсомол ташкилотларини янада фаол жалб этишлари, «камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот берайлик», деган шиор остидаги мусобақага «Ёшлар — беш йилликда зарбдор меҳнат қилайлик, маҳорат ва ташаббус кўрсатайлик» шиори остидаги ҳаракатга ёшларни ёппасига жалб этиш борасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш, бу ҳаракатларнинг таъсирчанлигини ошириш, ёшларнинг ташаббусларини кенг пропаганда қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўқкизинчи беш йилликнинг зарбдор комсомол қурилишлари деб эълон қилинган энг муҳим халқ хўжалик объектлари устидан оталиқни кучайтириш, пахтачиликни, ғаллачиликни ва чорвачиликни янада юксалтиришда актив қатнашишларини таъминлаш керак.

Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги шарафига саноат, транспорт, алоқа корхоналарида, қурилишларда, совхоз ва колхозларда беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, ички резервлардан самарали фойдаланиш учун меҳнаткаш ёшларнинг социалистик мусобақасини кучайтириш лозим.

Партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари йигитлар ва қизларнинг профессионал маҳоратини оширишга, ишлаб чиқариш малакасини ошириш, ижодий серунум меҳнат қилиш учун зарур шароит яратишга, ўз касбига меҳр-муҳаббатни кучайтиришга кўпроқ эътибор беришлари лозим. Умумий таълимга ишчи ва қишлоқ ёшларининг сиёсий билимини оширишнинг энг муҳим воситаси деб қараш керак. Билимни оширишга ва касбларни эгаллаш учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор берилсин.

Партия ва комсомол ташкилотлари, педагогика коллективлари профессор-ўқитувчилар состави, мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, олий мактаблар ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбия ишларини яхшилашлари лозим. Пионер ташкилотларига кўпроқ эътибор берилсин.

Социалистик ватанни ҳимоя қилиш — совет ёшларининг муқаддас бурчидир. Комсомол ташкилотлари дейилади қарорда, Совет Армияси билан оталиқ алоқаларини бундан кейин ҳам кучайтиришлари, ҳарбий таълимни амалга оширишда, ҳарбий хизматга чақириладиганларни тайёрлашда актив қатнашишлари керак.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига, Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетига ҳамда республика ДОСААФ комитетига ёшларни физкультура ва спорт машғулотларига кенг жалб этиш, йигитлар ва қизларнинг ГТО комплексини оммавий суратда топшириш соҳасидаги ишни кучайтириш, йигит ва қизларни ДОСААФ ишига жалб этиш топширилди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига ёшларда юксак бадиий дидни шакллантиришда, уларнинг қобилияти ва талантини намоён қилишда клублар, маданият уйлари, кутубхоналарнинг имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, комсомолнинг ижодий союзлар билан биргаликда олиб борадиган ишларини янада ривожлантириш, ижодкор ёш зиёлиларнинг гоявий савиясини, маҳоратини ошириш, ижтимоий-сиёсий активлигини кучайтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш таклиф этилди.

Область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига комсомол ташкилотларига партиявий раҳбарлик савиясини ошириш, уларнинг иш услуби ва методини такомиллаштириш аввало ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда ўзини актив кўрсатган комсомоллар ҳисобига КПСС сафларини янада тўлдириш борасида кун сайин ғамхўрлик қилиш топширилди.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика министрликлари ва идоралари, илмий муассасалар, ўқув юртлари, ижодий союзлар ва ташкилотларга Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги байрамига тайёргарлик ва уни ўтказишга доир конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш, бу тадбирларни амалга ошириш учун актив иш олиб бориш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида бу борада тўпланган ижобий тажрибалардан кенг фойдаланиш топширилди.

* * *

Қарорнинг охирида бундай дейилади: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика комсомолларини, барча йигит ва қизларни Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзининг бўлажак ярим асрлик юбилейини хўжалик ва маданий қурилишда, КПСС XXIV съездида, КПСС Марказий Комитетининг комсомол XVII съездига йўллаган табрикномасида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездаги нутқида қўйилган вазифаларни бажаришда янги-янги муваффақиятлар билан нишонлашга чақиради ва комсомоллар, барча ёшлар бундан кейин ҳам севимли Ватанимизнинг шонли шуҳрати йўлида, коммунизм тантанаси йўлида фидокорона меҳнат қилади, жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагига янада маҳкамроқ жипслашади, деб қатъий ишонч билдиради.

ТОМА-ТОМА КУЛ БЎЛУР...

«Иқтисод ва тежамкорлик — социалистик хўжалик юритишнинг таркибий белгисидир. Матернал, пул, табиий ресурсларимиздан, ҳар бир меҳнатчининг иш вақтидан омилкорлик билан оқилона фойдаланиш жуда муҳим».

(КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан).

▲ ЧИҚИНДИ — КУЛНИНГ ХОСИЯТИ.
▲ ЯНГИЛИК НАТИЖАСИ: 286 ТОННА МЕТАЛЛ
▲ ОЙНА ЎРНИГА ПОЛИЭТИЛЕН ПЛЕНКА
▲ ЮКСАК МУКОФОТ

Бу янгилик тежамкорлик соҳасида катта воқеа бўлди!

Илгари цементни тежаб қолиш учун кўрилган барча тадбирлар навбатдаги янгиликнинг олдида кўримсиз бўлиб қолди. Буни рақамлардан яққол кўриш мумкин: тўқкизинчи беш йилликнинг аниқловчи йилида тўққиз ой мобайнида трест бўйича 2504 тонна цемент иқтисод қилинди. Шундан 2483 тоннаси чиқинди — кулдан фойдаланиш ҳисобига тежалди.

Ангрен ГРЭСнинг ёқилғиси бўлган кўмирдан қолган чиқинди — кул бекорга ташлаб юборилар эди. Трест новаторлари қурилишда ишлатиладиган бетон коришмаси учун ана шу кулдан фойдаланиш таклифини киритдилар. Бунинг натижасида жуда кўп миқдорда цемент тежаб қолинадиган бўлди. Ҳар 100 килограмм кул ҳисобига ўртача 60 килограмм цемент иқтисод қилиняпти. Кул йиғма темир-бетон заводида ва бошқа корхоналарда маҳсулот тайёрлаш учун қўшилади. Бунда цемент сарфи камайиши билан бирга коришмаларнинг мулойимлик сифати ортади.

«Узбекшахтострой» трести Ангрендаги йирик ташкилотлардан бири. Трестнинг 3 мингдан ортиқ кишилик коллективи аниқловчи йилда ҳар қачонгидан ҳам самарали меҳнат қилмоқда. Улар юбилей йили социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этишяпти. Жумладан, қурилиш-монтаж ишлари миқдорини оширишнинг 50 процента ишчи-ходимлар сонини кўпайтирмаган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бажарилди. Бу ишлар 2 миллион сўмни ташкил этади.

Цементни қурилиш ҳавозаларига, заводларга етказиб бериш илгари оддий усул — машина ва механизмлар билан амалга оширилар эди. Бунда маҳсулот тўкилиб-сочилиб, кўп исроф бўлади. Трестнинг ихтирочи ва рационализаторлари мана шу нарса устида кўп ўйлашди. Ҳисоблаб кўрилса, ҳар йили бир жойдан иккинчи жойга ташишнинг ўзида тонналаб цемент кўкка совурилиб кетар экан. Қандай қилиб бунинг олдини олиш мумкин?

Изланишлар зое кетмади. Аввало, цемент олисроқ масофаларга махсус машинада ташила бошланди. Маълумки, бундай машина илгаридан мавжуд, лекин бунга эътибор берилмас эди. Масаланинг иккинчи томони — қурилиш участкаларида, заводларда исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун қандай чора кўриш керак? Бунинг йўли топилди. Трестга қарашли барча корхоналарда цементни бир жойдан иккинчи жойга герметик равишда элтадиган пневмотранспорт жорий этилди. Натижада маҳсулотнинг граммлари ҳам ҳисоб-китобли бўлди. Шу билан бирга, қўл меҳнати енгиллашди, унумдорлик ошди. Бу усулнинг ишлаб чиқаришда кенг жорий этилиши туфайли тўққиз ойда 21 тонна цемент тежаб қолинди.

Ўтган давр ичида трест бўйича 286 тонна металл иқтисод қилинди. Йиғма темир-бетон заводида арматура пўлатларини бичишда чиқинди чиқармаслик усулининг жорий этилиши металлдан тежаб фойдаланишга асосий омил бўлди. Бундан ташқари, металл прокатлари чиқиндилари яқин пайтларгача кераксиз нарса сифатида ташлаб юборилар эди. Трест новаторлари мана шу чиқиндидан айрим деталларни тайёрлашда фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу таклиф ҳам тежамкорлик соҳасида муҳим янгилик бўлди.

Трест корхоналарида ишлатиладиган яна бир асосий материал тахтадир. Ҳеч бир қурилишни тахтасиз тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам трестда тахтадан рационал фойдаланишга ҳамиша эътибор билан қаралади.

Йил бошида трест коллективи 45,3 минг квадрат метр фойдали турар-жой майдони, 1568 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси, бирйўла 500 беморни қабул қила оладиган поликлиникаси бўлган 240 ўринли касалхона, 280 кичкинтойни ўз бағрига сиғдира оладиган боғча-ясли ва бошқа шунга ўхшаш бирқанча объектларни қуриб ишга туширишни мажбуриятини олган. Ҳозирги кунга келиб мажбуриятдаги объектларнинг кўпи фойдаланиш учун эгаларига топширилди, айримлари қуриб битказиш арафасида турибди. Табиийки, шунча бинони бунёд этишда кўп тахта талаб қилинади. Шундай экан, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ҳар бир қаричини исроф қилмай ўз ўрнида ишлатиш трестга иқтисодий фойда келтиради.

Буни яхши тушунган инженер-техник ходимлар исрофгарчиликка чек қўйиш, тахтанинг сантиметрини ҳам бекорга нобуд қилмаслик борасида доим изланадилар. Тома-тома кўл бўлур, дейишади. Дарҳақиқат, ҳар сменада оз-оздан тежалса ҳам, ой ёки йил охирига бориб ҳосил бўлган рақамлар салмоғи кўзга ташланади. Жумладан, трест бўйича ўтган тўққиз ой ичида 236 кубметр тахта иқтисод қилиб қолинди. Албатта, бу натижага зарур бўлган жойга ишлатилмаган материаллар эвазига эмас, балки қурилишда жорий этилган янгиликлар ҳисобига эришилди. Масалан, илгари қурилажак биноларнинг поллари учун тахталар керак бўлган миқдорда объектга келтирилиб, уларга шу ерда ишлов берилар эди. Тахталар хоналарнинг поллари учун зарур бўлган катталикда кесилгач, лахтак-чиқиндилар ҳавозада қолиб кетаверарди, ёки уларни бошқа чиқиндиларга қўшиб шаҳардан ташқарига чиқариб юборилади. Эндиликда эса тахта чиқитга чиқмаяпти. Объектларга жўнатилган пол тахталари аввал зарур бўлган размерда кесилиб, ишлов берилгач, кейин жўнатилмоқда. Бу усулдан келиб чиқадиган фойда икки томонлама: ҳам махсус жараёнлар учун кетадиган иш вақти қисқариб, меҳнат унумдорлиги ортди, ҳам пол тахталарининг қолдиқлари турли шкафлар, жавонлар тайёрлаш учун ишлатилмоқда. Шунингдек, тахтани арралаганда чиққан қипиқлар ҳам қурилишда қўлланиладиган пробка ва бошқа айрим буюмларни тайёрлашда ишлатилмоқда.

Трестнинг новатор ишчилари, инженер-техник ходимлари ойнани тежаб-тергаб ишлатиш борасида ҳам диққатга сазовор ютуқларга эришдилар. Жумладан, илгари деразаларни вақтинчалик ойналаш учун одатдаги ойна қўлланилар эди. Натижада, мазкур объект қуриб битказилгунча ҳалиги ойналарнинг кўпи синиб, улар ўрнига янгидан ойна қўйиш зарур бўлади. Энди эса вақтинчалик ойналаш керак бўлган деразаларни махсус полиэтилен пленка билан «ойналанмоқда». Бундан ташқари, ойналарни бир жойдан иккинчи жойга ташишда махсус контейнерлардан фойдаланиш натижасида уларнинг синиш ҳодисалари анча камайди. Бу тадбирларнинг жорий этилиши оқибатида ўтган тўққиз ой мобайнида 1234 квадрат метр ойнани иқтисод қилишга эришилди.

Шундай, трест коллективи аниқловчи йил социалистик мажбуриятларини бажаришда бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилмоқда, яширинб ётган янги-янги резервларни қидириб топиб, ишлаб чиқаришга жорий этмоқда. Улар бу йил ҳар қачонгидан ҳам самаралироқ меҳнат зафарларини қўлга киритишяпти. Ишлаб чиқариш планлари ой сайин ошириб бажарилаётир, кўзда тутилган объектлар муддатидан олдин фойдаланишга топширилмоқда. Шунингдек, ангренлик бунёдкорлар ишнинг сифатига ва материал ҳамда хомашёлардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор беришяпти. Бу соҳада тилга олса арзигулик ютуқларни қўлга киритишди. «Узбекшахтострой» трести коллективи биринчи ярим йилликда материалларни иқтисод қилиш ва Улардан тежаб-тергаб фойдаланиш якунлари бўйича СССР Қурилиш министрлиги ҳамда саноат-қурилиш материаллари ишчиларни касаба союзлари Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

☆ **БУКА районидаги Тимирязов номли колхоз чорвадорлари қишловни намунали ўтказмоқдалар. Илғор сут соғувчилар молларни меҳр билан парваришлаб, кўплаб маҳсулот олишга эришмоқдалар. Улар ўтган йили ҳар бош сигирдан 3000 литрга етказиб сут соғиб олишга эришдилар. Колхоз чорвадорлари беш йилликнинг якунловчи йилида чорва маҳсулдорлигини янада ошириш, кўплаб сут, гўшт етказиб бериш учун курашмоқда. Суратларда: илғор соғувчилардан М. Разоқова, Ш. Каримова, К. Тўқлиевалар фермада.**

Ж. Тўраев фотолари.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Яқинда ТошДУ журналистика факультети мажлислар зали одатдагидан ташқари гавжум бўлди. Факультетимизда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, таниқли журналистлар Адҳам Раҳмат, Назармат ва Расул Муҳаммадиев билан учрашув бўлди.

Меҳмонлар учрашув давомида Белоруссия, Москва, Ғарбий Украина фронтларида бир қўлда қалам, бир қўлда қурол билан жанг қилган журналистлар ҳақида студентларга сўзлаб бердилар. Пировардида меҳмонларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

П. ТУЛИЕВ.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ПОЙТАХТДАГИ бадиий буюмлар фабрикасининг пешқадам чеварлари Мамлакат Ғуломова ва Саодат Исроилбекова йиллик планни бажариб, келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

САЛОМАТЛИК МАВЗУИДА

СОҒЛОМ ТИШ ҲАМ ҲУСН

Киши ҳусни баркамол, чиройли бўлишида тишнинг хизмати катта. Оғзида садафдек тизилган оқ тишларнинг ўзгача файзи, гўзаллиги бор.

Саломатликка интилган ҳар бир киши албатта тишларини соғлом сақлашга ҳаракат қилиши керак. Тишда оғриқ сезгиси биланоқ ўзича даволамай, стамотологларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Баъзан шундай ҳам бўлади: тишингиз бир-икки кун оғриб, тўхтаб қолади, Оғриқ ўтиб кетди, деб бепарво бўлиш ярамайди. Яна бир тойфадаги кишилар борки, чирой орттириш мақсадида соғлом тишлари устига олтин қоплама қўйдиришга ҳаракат қиладилар. Бундай ҳолда соғлом тиш тезда касалланади, чунки қоплама қўйиш пайтида тиш арраланиб текисланади. Арралаш даврида тишнинг эмаль қавати олиб ташланади.

Ҳалқимиз тиш-гавҳар, уни асрамоқ керак, дейди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Инсон ўз тишини сақламоғи зарур, гавҳарни эса тошга ишқалаш керак эмас, яъни тишда ёнғоқ, данак каби қаттиқ нарсаларни чақмаслик лозим, бу унинг дарз кетишига олиб келади. Дарз кетган тиш эса тезда ишдан чиқади.

Тишни доимо озода сақлаш, эрталаб ва кечқурун тиш порошоги билан ювиб туриш керак, овқатлангандан сўнг ҳам оғизни чайиб, тишларни тозалаш киши саломатлиги учун жуда зарур.

Партия ва ҳукуматимиз халқимизнинг саломатлигини яхшилаш йўлида катта ғамхўрлик қилмоқда. Янги-янги поликлиникалар, шифохоналар қурилиб, ишга туширилмоқда. Поликлиникамиз ҳам ишга тушганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозирги пайтда унда 25 га яқин врач ва ҳамшира ишламоқда.

Беморларнинг даволанишга учун барча шарт-шароит яратилган. Тиш касалликлари медицинанинг сўнгги ютуқлари ва методлари асосида даволанмоқда. Тишларни даволашда физиотерапия, УВЧ, электрофорез усулидан кенг фойдаланилмоқда. Тез айланувчи бормашиналар, ультратовуш ёрдамида тишларни оғритмай олувчи қурилмалар шулар жумласига киради.

Беморлар шифокорларимиз хизматидан миннатдор. Х. Р. Аминов, Ғ. П. Мустафин, Т. Ш. Шоалимов, А. Аҳмедов, Р. М. Мақсудова, Р. Сиддиқова, В. Безуглова, Г. М. Мирзоян каби стамотологларимиз кўпчилик ҳурмат-эътиборини қозонмоқда. Шунингдек, Н. Назимова, М. Исмоилов, Т. Фахриддинов, Ш. Усмонова, Р. Мусулмонова, Е. Шевченко каби тиш техник ва хамширалар номини алоҳида кўрсатиш мумкин.

Шифокорларимиз меҳнати яқинда муносиб тақдирланди. Коллективимизга «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақада голиб чиққан коллектив» деган фахрий ном берилди. Поликлиникамиз ана шу номга муносиб бўлиш йўлида билим ва тажрибаларини ишга солмоқда.

Т. И. МУСАШАЙХОВ,
С. Раҳимов районидаги 7-стамотология поликлиникаси бош врачи.

СУРАТДА: поликлиниканинг тажрибали шифокорларидан (ўнгдан) тиш қўйиш бўлими бошлиғи М. Аюпов, техниклардан Т. Фахриддинов, Н. Низомов ўртоқлар.

Н. Тўраев фотоси.

СПОРТ

БОКСЧИЛАР САФАРИ

СССР боксчилар терма командаси ўз янги мавсумини Америкада бўладиган турнирда иштирок этиш билан бошламоқда. Терма команда аъзоларидан В. Лемешев, В. Соломин, В. Засипко, А. Клеманов, В. Ульянич, О. Каратаев, Д. Таросян, Е. Юдин билан бирга умидли ёшлардан қараганда лик В. Сапеев, москвалик А. Волков ва волгоградлик В. Удовик 12 январда АҚШ га жўнаб кетдилар. Бу ерда улар америкалик ҳаваскор боксчилар билан тўрт марта учрашув ўтказадилар. Учрашувларнинг биринчиси 18 январда бўлиб ўтади.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Шу кунларда жаҳон чемпиони СССР терма командаси хоккейчилари Швецияда меҳмон бўлиб туришипти. Хоккейчиларимиз Швеция терма командаси билан бир неча ўртоқлик учрашуви ўтказмоқдалар. Учрашувларнинг биринчиси Сандвикен шаҳрида бўлиб ўтди. Унда совет спортчилари 5:4 ҳисобида голиб чиқишди.

Командаларнинг иккинчи учрашуви эса Вестерос шаҳрида бўлди. Учрашувда ғарчанд ҳисобни совет спортчилари очишган бўлсада, аммо ўйин давомида кучлар тенг келди. Пировардида ўйин 2:2 ҳисобида тугади.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Қишлоқ шахматчиларининг Наманганда бўлиб ўтган республика биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. Мусобақаларда Солохов, Шепкин, Фортун ва Иброҳимовалардан иборат Тошкент области командаси ўз рақибларини анча ортда қолдириб, ғолибликни қўлга киритди. Наманган командаси иккинчи, Фарғона командаси учинчи ўринни эгаллади.

МАДАНИЯТ

ЮРТ ОБОДЛИГИ—ЭЛ ШОДЛИГИ

ОҚШОМ. Қишлоқ кўчалари чароғон. Клубда таралаётган музиканинг ёқимли садоси қишлоқ аҳлини ана шу маърифат ўчоғига чорламоқда. Ана, кинотеатр кассаси олдида йигит-қизлар тизилиб турибди. Кексалар кўркам чойхонага ошиқишади. Кутубхона деразаларидан неон лампаларининг ёркин нурлари тушиб турибди. Хуллас, меҳнаткашлар маданий дам олиш учун барча нарса муҳайё. Бу ҳозирги ривожланаётган социалистик қишлоқларимизнинг оддий бир қиёфаси.

Партия иродаси, ҳукумат ғамхўрлиги ва халқимиз қилаётган ҳалол меҳнат натижаси ўлароқ қишлоқларимиз жамоли йилдан-йил гўзаллашиб, шаҳар тусини олмоқда. Беш йилликнинг белгиловчи йилида областимиз шаҳар ва қишлоқларини ободонлаштиришда 6,8 миллион сўм ўзлаштирилди. 10 минг квартира, шу жумладан, қишлоқлардаги 3,9 минг квартира газлаштирилди.

Айниқса, кишиларимизнинг маданий савияларини оширишга катта эътибор берилди. Бу борада маданият-маърифат ўчоқлари — театрлар, кинотеатрлар, клублар ўтқазаётган тадбирлар яхши самаралар бермоқда. Бадиий ҳаваскорлик ҳаракати кенг қулоч ёзди. Халқ орасидан талантли ижрочилар етишиб чиқмоқда.

Бизнинг жамиятимизда оммавий-маданий тадбирлар кишиларни коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашга қаратилгандир. Областдаги мавжуд маърифат масканлари қаторига янгидан 47 оммавий кутубхона, 24 клуб, 60 киноқурилма қўшилди. 102 клуб қошидаги қироатхона мустақил кутубхоналарга айлантирилди. Кўрсатилаётган фильмлар репертуари, китоб фонди кенгайди. Оққўрғон районида ўлкашунослик музейи очилди.

Бу йилга белгиланган режалар бўйича маданият соҳасида ҳам бир талай ишлар амалга оширилади. Янги шаҳарчалар, шаҳар типидаги посёлкалар бунёд қилинади. Қишлоқларда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қилинади. Янгидан 36 кутубхона, 3 клуб, 10 қишлоқда кинотеатр ишга туширилади. Социал-маданий тадбирлар учун 144802 минг сўм, кино хизматини яхшилаш учун 338 минг сўм сарфланади.

Қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишда шаҳарлардаги театрлар ва маданият уйлари оталиқ ишларини янада актив давом эттирадилар. Бевосита дала шийпоналарида ва фермаларда концерт, лекция ва суҳбатлар уюштирилади. Қишлоқ клубларида халқ университетлари фаолияти кенгайтирилади.

Хуллас, область меҳнаткашлари якунловчи йил вазифаларини бажаришларида маданият муассасалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚАСАБА СОЮЗЛАРИ VIII СОЮЗЛАРАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область касаба союзлари Совети маълум қиладики, область касаба союзлари VIII союзлараро конференцияси 1975 йил 19 февралда, Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида очилади.

Конференция эрталаб соат 11 дан ўз ишини бошлайди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ДЕҲЛИ, 12 январь. (ТАСС). Ҳиндистондаги хусусий жут фабрикаларга ишчилари умуммиллий забастовкасининг биринчи ҳафтаси тугамоқда. 250 мингдан ортиқ киши қатнашаётган бу стачка мамлакатнинг етакчи касаба союз бирлашмалари чақириғи билан ўтказилмоқда.

Ишчи ташловчилар меҳнат шароитини яхшилаш, иш ҳақини кўпайтириш, ишдан ҳайдалган ўртоқларини ишга қайта тиклаш каби талаблар қатори сиёсий характердаги шиорларни ҳам олдинга сурмоқдалар. Улар бутун жут саноатини национализация қилишни, жут хомашёси харид қилиш устидан давлат назорати ўрнатилишини талаб этишмоқда.

Мамлакатга валюта келтирувчи асосий манбаларнинг бири ҳисобланган жут саноатининг аҳволи ҳаддан ташқари беқарор — ишлаб чиқариш тушкунликка тушмоқда. Ишсизлик кўпаймоқда. «Жут саноати мағнатлари томонидан бераҳимлик билан қилинаётган эксплуатация оқибатида, — деб ёзади «Ҳиндустан стандарт» газетаси, — мамлакат бўйича умуман етиштирилаётган жут маҳсулоти ҳажмининг 90 процентини етказиб бераётган Ғарбий Бенгалиядаги миллионлаб жут етиштирувчилар синиш ёқасига келиб қолдилар. Бундай раҳмсиз эксплуатацияга барҳам беришнинг ягона усули жут саноатини миллийлаштиришдир».

КИПР ХАЛҚИНИНГ ҚАТЪИЙ ТАЛАБИ

НИКОЗИЯ, 13 январь. (ТАСС). Кипр президенти Макариос Австриядаги «Профиль» журнали мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Кипрда ажнабий қўшинларнинг ва ҳарбий базаларнинг мавжудлиги бу ерда мустаҳкам тинчликни барқарор қилишга ёрдам бера олмайди».

Шу муносабат билан Кипрда чиқадиган «Харавги» газетаси оролнинг демилитарлаш Кипр халқининг энг қаттиқ талабларидан бири эканлигини ёзади, чунки муайян империалистик доираларнинг оролда ўз ҳарбий кўчларини сақлаб қолишга интилиши, кипрликларнинг фикрича, Кипрдаги ҳозирги фожиага сабаб бўлмоқда. Империалистларнинг худди ана шу интилиши ҳозирги вақтда оролда тинчликни жуда тез орада тиклашга ҳалақит бермоқда.

1975 ЙИЛ ПРОГРАММАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

АККРА, 13 январь. (ТАСС). Гана пойтахтида Африка касаба союз бирлиги ташкилоти ижроия комитети ўз ишини тамомлади. Бу ерда эълон қилинган ахборотда ижроия комитети Африка касаба союз бирлиги ташкилоти доимий секретариатининг фаолияти тўғрисидаги докладни муҳокама қилганлиги ва маъқуллаганлиги, ташкилотнинг бу йилги фаолият программасини қабул қилганлиги хабар берилади. Ижроия комитети Африка касаба союз бирлиги ташкилоти бош кенгашини шу йил 12 февралдан 14 февралгача Аккрада ўтказишга қарор қилди.

Африка касаба союз бирлиги ташкилоти ижроия комитети халқаро ва маҳаллий касаба союз марказлари билан, Африка бирлиги ташкилоти ва халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликни кенгайтиришга даъват этди. Ҳужжатда Африка миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ишларини кучайтиришга чақирилади.

Ижроия комитети халқаро хотин-қизлар йилини кенг нишонлашга ва уни Африка ишчи хотин-қизларининг аҳволини яхшилаш учун кураш белгиси остида ўтказишга даъват этди.

ҚОНУНИЙ САВОЛЛАР

РИМ, 12 январь. (ТАСС). Марказий разведка бошқармасининг дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги кўпорувчилик фаолиятини фош қилиш муносабати билан АҚШда юзага келган жанжал бевосита Италияга ҳам таалуқлидир ва Италия жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солмоқда, — деб ёзади «Эуропео» ҳафталиги.

Шу муносабат билан Италия журнали ҳозирги вақтда Италияда марказий разведка бошқармасининг уч арбобидан жумладан директорнинг ҳозирги ўринбосари Вернон Уолтерс, собиқ директор Жон Маккоун, шунингдек Уильям Мэрризм, юрганлиги ҳақида хабар беради.

Марказий разведка бошқармасининг бу «экспертлари» мамлакатимизда қандай мақсадлар билан юрипти? — савол беради «Эуропео». Иқтисодий байкотлар ташкил этиш, маълум сиёсий кучларга ёрдам бериш, касаба союз ҳаракатига парокандалик киритиш йўлида мутахассислар сифатида машҳур бўлган бу арбоблар Римда нима иш қилишаётганлигини билишни истардик, — таъкидлайди ҳафталик.

ЯГОНА ПОЗИЦИЯЛАРДА ТУРМОҚ КЕРАК

ДАМАШҚ, 12 январь. (ТАСС). Дамашқда чиқадиган «Аль-Баас» газетаси Рабатдаги олий кенгаш қарорларида баён этилган позицияларга қатъий амал қилиш барча араб мамлакатлари учун ниҳоятда зарур эканлигини таъкидлайди ва Яқин Шарқ проблемасини шундай ҳал қилишга эришмоқ керакки, у Исроил қўшинларини босиб олинган барча араб территорияларидан тўла олиб чиқиб кетилиши ва фаластин араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини тиклашни назарда тутсин.

Газета Исроил Бош министри Рабиннинг Тель-Авив араб мамлакатлари билан сепарат шартномалар тузилишини назарда тутади деган маълодаги баёнотини шарҳлаб, шуни таъкидлайдики, Исроил раҳбарларининг бундай баёнотларининг мақсади араб ҳамкорлигига путур етказишдир.

ИШ ТАШЛОВЧИЛАРГА ЁРДАМ

НЬЮ-ЙОРК, 12 январь. (ТАСС). Америка меҳнаткашларининг синфий бирлиги ортмоқда. Автомобилсозларни оммавий ишдан ҳайдаш ва бунинг натижасида ишсизларга ёрдам кўрсатиш учун ҳаракатлар кескин кўпайганлигига қарамай, автомобиль, аэрокосмик саноат ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бирлашган касаба союзи Аризона штатида тўрт ойдан бери иш ташлаётган қишлоқ хўжалиги ишчиларига ёрдам сифатида 50 минг доллар ажратди.

Қишлоқ хўжалик ишчилари бирлашган касаба союз раиси С. Чавес айтдики, автомобилсозлар қишлоқ хўжалик ишчиларига ҳар ҳафтада 10 минг доллар миқдорида ёрдам кўрсатишга ваъда берганлар.



Югославиянинг Ясеновац шаҳрида уруш йиллари концентрацион лагерь бўлган ерда фашизм қурбонларига ёдгорлик ўрнатилган. Улкан тош гул озод қилинган ердаги янги ҳаёт рамзи ҳисобланади. Ёдгорлик муаллифи белградлик ҳайкалтарош Богдан Богдановичдир.

ТАНЮГ-ТАСС фотоси.

Реклама ва эълонлар

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иззат СУЛТОН асари

„НЎРМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ...“

2 пардали драма.

Саҳнага қўювчи режиссёр — Р. ҲАМИДОВ.
Режиссёр ассистенти — С. УМАРОВ.
Рассомлар — Г. БРИМ, У. САЙДАЛИЕВ.
Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. ГИНЗБУРГ.
СПЕКТАКЛДА: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Т. Азизов, Е. Аҳмедов, П. Саидиосимов, О. Юнусов; Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофотининг лауреати С. НОРБОЕВА; артистлар: Г. ЖАМИЛЛА, Ю. ИБРОҲИМБЕКОВА, Х. НУРМАТОВ, С. УМАРОВ ва бошқалар қатнашадилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 10.05 — Гимнастика. 10.20 — Янгиликлар. 10.30 — **Охири йўқ кўча** (бадиий фильм). 11.55 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. 18.20 — ТОШКЕНТ.18.30 — Еш табиатшунослар. 19.10 — **«Ахборот»**. 19.25 — Мусобақа, тажриба, ташаббус. 19.45 —Музикали кўрсатув. 20.30 — **«Ахборот»** 20.50 — Ўзбек кинои усталари. С. Муҳамедов. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 23.00 —Телеспектакль. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.20 — МОСКВА. 19.00 —Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — «Жасорат». 19.55 —Концерт. 20.25 — Бизлар БАМни қурмоқдамиз. 20.55 — Телефильм. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани (Тошкент). 22.30 — Телефильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Ўқитувчи экрани. 20.00 — Эстрада концерти. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Тошкент янгиликлари. 21.15 — Фильм-спектакль.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15ІІ да **Дилором**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14ІІ да **Парвона**, 15ІІ да **Комиссия**, 16ІІ да **Парвоз**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15ІІ да **Ҳалима**, 16ІІ да **Тоғ гўзали**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15ІІ да **Биринчи бўса**, 16ІІ да **Ташвишланманг, онажон** (спектакллар кеч соат 7 да бошланади).

КИНО

Сўнгги гувоҳ —«КОСМОСОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (15.00, 16.30)), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Маккенниннинг олтинлари — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Онлахома — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Севишганлар қиссаси —САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Янги центрионлар — «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Авлодлар нидоси — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Есения — «МОСКВА» (10.00, 12.30, 18.00, 20.30).

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг микробиология бўлим коллективи бўлим илмий ходимлари Қобил ва Қосим Толиповларга акаси **Комил Алимович ТОЛИПОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р—02139. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 Б—2468.